

ADO LAT

O'zbekiston
«Adolat» sotsial-
demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 1 (1013)

2015-yil, 1-yanvar, payshanba

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадри ватандошларим!
Мана шу файзли дамларда сиз, азиз юрдошларимга аввало ўзининг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, қутлуг қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан табрик-лаб, барчангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотиржамлик ва фаровонлик тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Айни шу дақиқаларда якунига етиб бораётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг исботини аввало биз кўзлаган буюк мақсад бўлиши — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Айниқса, иқтисодиётимизни барқарор суруятлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда, ҳеч шубҳасиз, ўтаётган йил ҳаётидада чуқур из қолдириши мукярар.

Бунинг тасдиғини юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишларда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётганида, қад ростлаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юрда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли ҳақиқатан ҳам ғурур ва ифтихорга тўлади.

Айтиш керак — ўтган даврда биз эришган айрим кўрсаткичларни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамадан, Ўзбекистонимизнинг санокли давлатлар қаторида охириги 10 йил давомида иқтисодий ўсиши, яъни, содда қилиб айтганда, фаровонлигимизнинг юксалиш суруятлари узлуқсиз равишда 8 фоиздан кам бўлмайдан келмоқда ва 2015 йилда ҳам бу кўрсаткичдан кам бўлмайди, иншооллох.

Азиз юрдошларим!
Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққийёт йўлида барқарор суруятлар билан қадам қўйганида, обод ва фаровон ҳаёт кураётганида бу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллиати, дини, этникодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини, бутун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳроқибатлик туйғуси нақадар катта бойлик эканини барчамиз миннатдорлик билан қайд эта-миз.

Бунга иқдор бўлиш учун аввало ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни, яқин ва узок атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қон тўкилишларни кўриб-кузатиб турганимиз ҳеч



кимни тинч ва бепарво қолдирмайди, албатта.

Минг афсуски, бундай кескинлашувлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги ноаниқ вазият ва танглик давом этишининг қўтилиши — бундай таҳликали аҳвол барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик ва сафарбарлигимизни ошириши, содда қилиб айтганда — бўш келмаслигимизни талаб қилади.

Бир муҳим масалани эсимиздан, ҳаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллектуал тараққийёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиланиш интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшамиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суруятлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшати мумкин.

Айни шу ҳақиқатни англаган ҳолда, 2015 ва келгуси йилларнинг режалари ва янги марраларни эгаллаш ҳақида сўз юртат эканмиз, биз аввало демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришган ютуқларимизга, тўплаган тажрибамизга сўяиб, келажакимиз стратегиясига айланган Концепциямиз асосида олиб бораётган ишларимизни изчил суруятлар билан давом эттиришимиз зарур.

Шу борада амалга ошираётган барча ислохотларимизнинг туб илдизи — томирида ётган масалаларга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Сўз кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси ҳақида — хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлиқни тез суруятлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.

Яна бир устувор масала — бутун жаҳон миқёсида иқтисодий ва сиёсий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, **иқтисодиётимизда деган таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб**

чиқариш соҳасини узлуқсиз техник, технологик янгиллаб бориш ва модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишдир.

Шу масалалар билан ҳамбарчас боғланган яна бир вазифа — **иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қай даражада бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришдан иборат.** Очигини айтганда, мана шу ўта муҳим ислохотларимизни ярим йўлда қолдирмасдан, мантикий якунига етказасак — марра бизники.

Бошқача айтганда, айни шу асосда эски маъмурий-буйруқ-бозлик тизимидан ҳали-ҳамон мерос бўлиб келаётган, одамларнинг норозилигини кўзгаётган барча қолдиқлардан воз кечишга имкон туғдирамиз, улардан озод бўламиз.

Хурматли юрдошлар!

Янги — 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухтасар айтганда, инсон омилини янада юксалтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўртача ўсиши 22 фоиздан кам бўлмайдан, аҳолимизнинг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун янги йилда ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг бир минимал ойлик ҳажмидаги маошидан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгиллик авваламбор бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни шу тадбирлар ҳисобидан меҳнаткашларимиз камида 120 миллиард сўм наф қўради. Янги йилда бериладиган бундай имтиёزلарнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Инфляция даражаси, яъни нарх-навонинг ўсиши тахминан 5,5-6,5 фоизни ташкил этиши қўтилоқда.

Келгуси йилда одамларимизнинг турар-жой шароитларини яхшилаш, янада обод этиш, коммунал-маиший хизмат сифатини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилади.

2015 йилда қишлоқ жойларда яшаётган 12 мингта оила шаҳар шароитидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Қадри дўстларим!

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берганимиздан халқимиз албатта яхши хабардордир.

Бунинг замирида ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакиллари ни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дуосини олишдек савобли ва олижаноб мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, мухтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам қўяр эканмиз, биз учун миллий ўзгичилик тимсолига айланиб кетган каттага — хурмат, кичикка — иззат, меҳроқибат, шафқат ва мурувват каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига сингдиришда кириб келаётган йил муҳим, юксак бир босқич бўлишига ишонаман.

Айни шундай ноёб фазилатларга эга бўлаётганимиз яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлганининг ғувоҳи бўлдик.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кўнглига айланаётган ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб ва энг муҳими — эртанги кунимизни биз ўзимиз, она юртимиз учун қўрашимиз, деб дадил майдонга чиқаётганининг намоиши, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен ақинда, Конституциямиз байрамига бағишланган тантанали мажлисда кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин, деб айтганим беҳиж эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бундай халқ олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди, албатта, азизларим.

Қадри ва мухтарам ватандошларим!

Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг кут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилақларимиз ижобат бўлсин! Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Байрам шодиёналари болалар қувончига қувонч қўшмоқда

Ҳаммамиз орзиқиб кутадиغان, зўр шодиёналар билан нишонлайдиган байрамлар орасида Янги йилнинг ўрни бекиёс. Бу байрам каттао кичикка қувонч улашади. Ҳамма бир-бирига яхши ният, тилақларини бахшида айлоиди.

Айниқса, болажонларни айтмайсизми, улар Қорбонинг байрам совғаларини олиш учун интиқ қўтишади. Бугун байрамона либосга бурканган юртимизда Янги йил байрами ўзига хос тарзда катта тантана билан нишонланмоқда. Айниқса, ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "Президент арчаси" айёмга ўзгача жозиба бағишлаб, болажонлар шодлигига шодлик қўшмоқда.

"Туркистон" саройида бўлиб ўтаётган "Президент арчаси" тантаналарига Тошкент шаҳридаги Меҳрибон-

лик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди.

Айём иштирокчиларига бир олам завқ улашган мазкур шодиёнада турфа ўйин-чоклардан яшнаб турган арча атрофида жам бўлган болаларга турли эртак ва мультфильмлар қаҳрамонлари ҳамроҳ бўлиши.

Тошкент шаҳрининг Мустақиллик ва Ҳадр майдонларида бўлиб ўтаётган Янги йил байрами шодиёналари ҳам юрдошларимизга кутаринки кайфият бахш этмоқ-

да. Кўпчилик бу файзли масканларга оиласи, фарзандлари билан ташриф буюриб, айём қувончларини ҳис этмоқда. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, юксалиш ва ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига шукроналар айлашмоқда. Инсон қадрини улуғлашга бўлган эътибордан тўқинланмишмоқда. Зеро, тинч ва обод юрда байрамлар ярашади. Бунёдкор халқнинг улуг мақсадлари ижобат бўлади.

Айни пайтда пойтахтимизнинг бошқа маданият ва истироҳат боғлари, майдон ва хиёбонларида ҳам Янги йил байрами тадбирлари кутаринки руҳда ўтказилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида бўлиб ўтаётган шундай шодиёналар барчага бирдек қувонч улашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига ҳамда «Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

КАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2015 йил 29 март кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кунини деб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўйича сайлов кампания-

си 2014 йилнинг 26 декабридан бошланиши эълон қилинсин.

3. Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси
Тошкент шаҳри,
2014 йил 26 декабрь
М.АБДУСАЛОМОВ

БИЗ СИЗГА ИШОНАМИЗ!

2014 йилнинг 21 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига ўтказилган сайловлар сиёсий партиялар учун катта синов бўлиши билан бирга мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий фаоллиги тобора ошаётганини яққол кўрсатди. Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича тузилган 135 сайлов округининг 132 тасида "Адолат" СДП номзодлари депутатлик мандати учун кураш олиб боришди ва сайловнинг дастлабки натижаларига кўра Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 17 нафар номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди.

Ҳабарингиз бор, 22 та сайлов округида депутатликка номзодларнинг етарли

даражада овозларни тўплай олмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2015 йилнинг 4 январь кунини мамлакатимизда тақдирий овоз бериш ўтказилиши белгиланди. Сайлов қўнғилиғига биноан мазкур 22 та сайлов округининг ҳар бирида асосий сайловда энг кўп овоз олган икки номзодга тақдирий овоз берилади. Тақдирий овоз беришда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 9 номзод қатнашиши сайловчилар ишончини қозониш учун уларга яна бир жиддий синов имконини бермоқда.

Биз 2015 йилнинг 4 январидан Олий Мажлис Қонун-

чилик палатасига ўтказилган тақдирий овоз беришда номзодларимиз муваффақиятли иштирок этишига, Сиз азиз сайловчилар уларни қўллаб-қувватлашингизга ишонамиз. Партияимизнинг "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" деган бош ғояси ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият эканлигини амалда кўрсатишга қаратилган мақсадларига ҳайрихоҳ барча сайловчиларни "Адолат" социал-демократик партияси номзодларига овоз беришга чорлаймиз.

Тақдирий овоз беришда қатнашувчи номзодларимиз билан газетамизнинг 3-4-5-саҳифаларида танишасиз.

Азиз сайловчилар!
ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Нуронийлар эл ардоғида

➤ 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Донишманд халқимизнинг асрлар сино-видан ўтган синашта маънавий қадриятлари кўп. Ўзидан ёши катталарни ҳурмат қилиш, ота-онани умр бўйи қадрлаш, кексаларни эъзозлаш ана шундай қадриятлар сирасига киради. Инсонийликни ифодаловчи бу эзгу фазилатларда ҳикмат кўпчилигини ҳаётда ҳар биримиз кузатганмиз. Элимиз ўз қадриятларига ҳамиша ишонган, уларга маънавиятнинг устунлари деб қараган, амал қилган.

Оилада ота-онага ҳам-хўрлик қилиб, кексайганида уларга суяч бўлган, ҳар бирини рози қилган киши ўз фарзандларига ҳам ибрат қўратган бўлади. Ота-она, нуроний кексаларнинг эзгу тилаклари барчага ҳамроҳ бўлиб, ҳонадонларга файзу барака келтиради, деб қаралиши бежиз эмас.

2015 йил — “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинганлиги халқимиз дилидаги ана шу эҳтиром туйғуларини яна бир бор юксак мақомда акс эттирди. Зеро, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек: “Ҳар қандай жамиятнинг ёши улғу одамларга бўлган эътибори ва ҳамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янглишмаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат қўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган”.

Миллий анъаналаримиз чинакам қадр топган истиқлол йилларида кексаларга

фаолият юритаётган 385 та бошланғич партия ташкилотимиз 1000 дан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда йил бошидан доимий иш олиб борди. Миллий байрамларимиз муносабати билан ҳомий ташкилотлар ҳамда саховатли инсонлар иштирокида кексаларга байрам совғалари ташкил



А.Исроилов (ўз.) олган сурат

этилди. Самарқанд шаҳар кенгаши таркибидаги бир қатор БПТ фаоллари “Саховат уйи”даги кекса отахон ва онахонлар учун байрам дастурхони тузаб, уларнинг кўнгилларини хушнуд этишди. Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ҳам партиянинг Оқдарё ва Ургут туман кенгашлари томонидан кекса ва ногирон отахон ҳамда онахон мураббийларимиз аниқлашиб, уларга меҳр ва эътибор қўрсатилди, ҳомийлар кўмағида вилоятимиздаги “Устоз” дам олиш сихатгоҳига бепул йўлланмалар берилиши ташкиллаштирилди.

Жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимизнинг сайёҳ-ҳаракатлари натижасида вилоятимиздаги “Бююк” қўшма корхонаси ва тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда чекка туман ва қишлоқлардаги моддий кўмакка эҳтиёжманд оилалар аъзолари, жумладан, 111 нафар кексаларимиз бепул тиббий қуриқдан ўтказилиб, бирор касаллиги аниқланган ҳолатларда улар бепул дори-дармонлар билан

таъминланди.

Рўйи замин сайқали, деяр таърифланган Самарқандда қадимий гўзал обидалар, бетакрор осори-атиқалар барчага завқу ҳайрат бағишлаб, ҳамиша кўнгилларни ҳаётбахш сурурга тўлдирди. Кекса ёшдаги кишиларнинг бундай азиз жойларни зиёрат қилишига кўмаклашиш хайрли амал, албатта. Шу эзгу мақсадда 2014 йилда Самарқанд шаҳар ва туман кенгашлари Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси билан ҳамкорликда 45 нафар кексаларимизни вилоятдаги музей ва қадимий қадамжоларга бепул зиёрат қилишлари имкон яратилди.

Вилоятимизда истиқомат қилаётган меҳнат ва уруш фахрийлари ҳам доимий эътиборимизда. Уруш фахрийлари, фронт ортида меҳнат қилган, бугунги тинч, дорилмон кунлар шукронасида кексалик

гаштини сўраётган 27 нафар нуронийларимиз вилоят кенгаши ташкилотчилигида тарихий обидаларни зиёрат қилганида кўнгиллари тоғдек кўтарилиб, мамнун бўлганларини айтишди.

— Бу каби хайрли тадбирлар “Кексаларни эъзозлаш йили”да ҳам давом этиши билан бирга бу борада яна кўлаб эзгу ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда, — дейди “Адолат” СДП Самарқанд вилояти кенгаши раиси М.Бобоёров. — Биз жамиятнинг маънавий ҳаёти, фарзандлар камолоти, ёшлар тарбиясида ота-оналар, кўпни кўрган нуронийларнинг ўрни беқиёс эканини яхши англаймиз. Кўпни кўрган кўп билади, дейдилар. Ҳар биримиз учун қадри бўлган отахон ва онахонларимиз узоқ йиллик ҳалол меҳнатларининг рохатини кўриб, фарзандлар меҳри, эл ардоғида бўлишлари лозим.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Самарқанд вилояти
кенгаши матбуот котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга тўла мувофиқ равишда бўлиб ўтган сайловларда 18 490 245 нафар сайловчи ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 88,94 фоизи қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 2014 йил 21 декабрда ўтказилган сайлов натижалари ҳақидаги округ сайлов комиссияларининг баённомалари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати Конференцияси қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси, «Ўзе-

бекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 11, 44, 48, 49-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтган деб ҳисоблансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов округларидан сайланган 113 нафар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган 15 нафар депутатлар 1 ва 2-иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.
3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 25 декабр.

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатлар РЎЙХАТИ

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (мамулатининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Абдусаттаров Тулқин Сайфуллаевич	1978	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	32-Фаллаорол сайлов округи
2.	Бурханов Акмал Эшондаев	1981	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Нағоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бош вакили ўринбосари, ижрочи директори	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	44-Тўрақўрғон сайлов округи
3.	Дадаходжаева Мухаррам Эсануллаевна	1973	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг сийёсий фаоллигини ошириш бўлими мудири	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	19-Хортум сайлов округи
4.	Джурраев Қодир Асадов	1972	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	21-Бухоро сайлов округи
5.	Кошелапова Людмила Викторовна	1959	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Тошкент вилояти Қибрай тумани “Родничок” ННТ раҳбари	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	87-Қибрай сайлов округи
6.	Курбонбоев Мақсуд Камилович	1973	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Хоразм вилояти молия бошқармаси бошлиғи	Хоразм вилояти, Қўшқўпри тумани	109-Хонқа сайлов округи
7.	Матқурбанов Рашид Жолдасбаевич	1977	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри	6-Чимбой сайлов округи
8.	Махматмуродов Алишер Улмасов	1967	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти кафедра мудири	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	63-Қоратепа сайлов округи
9.	Полванов Шухрат Тагаймуратов	1977	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	60-Самарқанд сайлов округи
10.	Саматов Улуғбек Гаффаров	1977	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	133-Қўкча сайлов округи
11.	Сулаймонов Умиджон Курбонов	1983	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг бош маслаҳатчиси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	97-Қўштепа сайлов округи
12.	Султонов Зафар Рашидов	1981	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Навоий вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	38-Нурота сайлов округи
13.	Тангиров Даврон Хуррамов	1974	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри	75-Сариосиё сайлов округи
14.	Умаров Нариман Маджитов	1952	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	76-Узун сайлов округи
15.	Умиров Абдуғани Эргашевич	1964	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри	123-Насаф сайлов округи
16.	Шадманов Алишер Каюмов	1962	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Андижон давлат тиббиёт институти ректори	Андижон вилояти, Андижон тумани	18-Избоскан сайлов округи
17.	Якубов Шухрат Умматалиевич	1981	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	40-Сардоба сайлов округи

Йилнинг энг яхши ННТ вакили

➤ Партиядошимиз ютуғи

Янги йил байрами муносабати билан Қарши шаҳрида “Дахлдорлик ва масъулият билан мамлакат равоқи сари” шиори остида вилоят нодавлат нотижорат ташкилотлари форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда сийёсий партиялар вакиллари, вилоят адлия, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

ҳамда халқ таълими бошқармалари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси масъул ходимлари иштирок этишди.

— Бугун вилоятимизнинг ўзида 700 га яқин ННТлар фаолият юритмоқда, — деди унда сўзга чиққан “Адолат” СДП фаоли Аъзам Каримов. — Партия ташкилотларимиз ННТларни ўзининг энг яқин ҳамкорлари деб билади. Баркамол авлод-ни тарбиялаш, аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий, тиббий ва экологик маданиятини ошириш борасида ҳамкорликда олиб борилаётган амалий ишларимиз эътиборга молик.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, фуқароларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини кучайтиришда ННТларнинг иштироки сезиларли равишда ошмоқда. Уларнинг жойлардаги давлат бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик алоқалари янада мустаҳкамланмоқда.

— Фуқаролик жамияти институтларини шакллан-

тириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор вазифалари сирасига киради, — деди ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлини маси раҳбари Умид Қобилов. — Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда қонуний мафлаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим субъектига айланди.

Тадбирда “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга оширишда ННТ фаолиятининг иштироки ва натижалари ҳам таҳлил қилинди.

Форум доирасида

“Мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишдаги ислохотларда ННТларнинг ўрни ва аҳамияти” мавзусида ўтказилган давра суҳбатиди “Адолат” СДП фаоллари ҳам мавзуга оид муҳим тақлиф ва фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар.

Шунингдек, шу кунги жамоат ташкилотларининг ахборот ташкилий фаолияти борасида ННТ фаолларининг касбий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган семинар-тренинг ҳам ташкил этилди. Семинар “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ

этишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаоллигини ошириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш каби масалаларга бағишланди.

Форум якунида тадбир ташкилотчилари томонидан 2014 йилдаги фаолияти бўйича энг фаол ННТ вакили деб топилган “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси Абдуқаҳор Аҳмедовга “Фахрий ёрлик” ва эсдалик совғалари топширилди.

➤ Байрам шукӯҳи

Андижоннинг энг обод ва гавжум жойларига ўрнатилган арчалар атрофи бугун байрам кайфиятидаги болажонларнинг шодлиғу қувончи, ўйин-кулгилари билан файзга тўлган.

Болажонлар қувончи

Кундузи жилмайган қуёш илиқ нурларида, тунлари ойнинг заррин шўъаларида товланган, турфаранг чироқлари ўйинчоқларга бурканган арча атрофида болажонларнинг шўх-шодон овозлари янграмоқда. Катталарнинг серзавқ чехраларида ҳам байрам шукӯҳи акс этмоқда. Тинч-осойишта ҳаётга байрамлар ярашади.

Вилоятимиз маркази — Андижон шаҳрининг Эски шаҳар ҳамда Янги бозор ҳудудларида ҳайратингизини оширадиган даражада улкан арчалар — Янги йил рамалари қад ростлади. — Бир неча кундан буён ташкил этилаётган байрам тантаналари болажонларга олам-олам қувонч улашмоқда. Хатто катта ёшдаги юртдошларимиз ҳам бу тадбирларга қизиқиш билан келмоқда. Барча ҳамшаҳарларимиз Янги йилни кўтаринки кайфиятда қутиб олдилар, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси Ҳаётбек Тиллабоев.

Байрам тадбирлари ўтказилаётган гўшаларда ҳаёт қайнаётти. Арчалар ёғдуси, Қорбобо, Қорқиз ва эртак қахрамонлари улашайтган севингча ҳар бир юртдошимиз юрагидаги яхшилик нурлари, эзгу тилақлар ҳамоҳанг бўлмоқда.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилояти

Комил САХАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Наманган вилояти бўйича

М. АМИНЖОНОВА

48-Чуст сайлов округи

1969 йилда Наманган вилояти Чуст туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1989 йил Тошкент давлат юридик техникумини, 1996 йил Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Иختисослиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Наманган вилояти "Боймоқ" жамоа ҳўжалигида юрист-ҳуқуқшунос сифатида бошлаган. 1993-1996 йилларда Наманган вилояти Чуст шаҳридаги тикув-трикотаж фабрикасида юрист-консультант лавозимида фаолият юритган.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари "Судларда прокурор ваколатини таъминлаш" кафедраси бошлиғи, 2014 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Матлуба Аминжоновна 2010 йилдан адлия маслаҳатчиси мақсус даражали унвонига ҳамда юридик фанлар номзоди илмий даражасига эга.

М.Аминжоновна томонидан ўз меҳнат фаолияти давомида республикамизнинг турли қонунларини такомиллаштиришга доир 100 дан ортиқ мақола ва қўлланмалар чоп этилган.

Жумладан, "Бозор иқтисодиёти шароитида сугурта хизмати қўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари", "Сугурта шартномаси тарафларининг мажбурияти ва жавобгарлиги мавзусидаги монографиялар", "Фермер ҳўжалигини ташкил этишга оид қонунларнинг ба-



жарилишини назорат қилиш", "Шартнома мажбуриятларини ба-жармаганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигининг келиб чиқиш асослари", "Гражданское право" (ҳаммуаллифликда) каби қўлланмалари бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Номзод прокуратура органларидаги меҳнат фаолияти билан бир қаторда 10 дан ортиқ номзодлик диссертацияларига расмий оппонент сифатида ўзининг хулосасини бериш орқали илм-фан соҳасини ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда.

Унинг прокуратура органларидаги меҳнати ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра 2012 йилда "Шухрат" медали билан тақдирланди.

— Юртимиз сиёсий майдонида ўз ўрнига эга бўлган "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий мақсади ва вазифаси демократик ҳуқуқий давлатни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг

қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш ҳисобланиб, ушбу вазифаларни бажариш орқали ҳуқуқий ислохотлар жараёнида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда, — дейди у. — Партия-мизнинг Сайловолди дастури "Адолат" — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" шiori асосида шакллантирилиб, дастурнинг биринчи йўналиши "Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият" деб белгиланиши партия томонидан ушбу соҳани янада ривожлантиришга бўлган эътиборнинг намунасиридир.

Номзоднинг сайловолди дастурида суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич ислох этишни давом эттириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг янада ошқоралигини таъминлаш, "Хабас корпус" институти қўлланилишини янада кенгайтириш, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтлар, жумладан, Омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий марказининг ролини янада ошириш каби гоялар илгари сурилган.

— Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида бугунги кунда фуқароларимиз электрон суд хизматларидан фойдаланган ҳолда ўз уйларидан туриб ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлган, инсон ҳуқуқларини адолатли ҳимоялаш борасида барча чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, адолатли суд ҳужжатларини қабул қилишга эришилаётгани мумкин, — дейди номзод. — Аини пайтда ушбу суд ҳужжатларининг ўз вақтида сифатли ижро этилиши тўлиқ таъминланган, деб айта олмаимиз.

М.Аминжоновна сўнгги йилларда республикамизда изчиллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ис-

лохотларининг асосий мақсад ва вазифалари ҳам, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилгани халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланганини алоҳида эътироф этади. Аини пайтда бундай ислохотлар самарали ишлашида, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг очик ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш устувор аҳамиятга эгалигини илгари суради.

Шуни таъкидлаш лозимки, жамиятнинг шаклланиши ва демократлашувнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини изчиллик билан таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, суд ҳокимияти ҳамда адвокатура фаолияти мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунларнинг ташаббускорли бўлиши ва уларни қўллаб-қувватлаш "Адолат" СДП Сайловолди дастурининг бош мақсади экан, ушбу вазифаларни амалга оширишда партиядан кўрсатилган номзодлар ҳам келгусида суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича қонун ижодкорлигининг фаол ташаббускорлари бўлишлари лозим.

— Депутат этиб сайлансам, пулик хизмат кўрсатаётган тиббиёт муассасаларидаги нархларни аҳолининг ўртача даромадига мувофиқлаштиришга хизмат қилувчи ягона меъёрни ишлаб чиқиш, шунингдек, сифатли ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида ташхис, даволаш ишларини юритаётган муассасалар қошида республикамизнинг чекка-чекка қишлоқларидаги тиббиёт ходимлари ўз малакаларини оширишлари учун даврий равишда фаолият юритадиган марказ ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсад қилиб олганман, — дейди у.

Оилали. Икки нафар фарзанднинг онаси.

Сурхондарё вилояти бўйича

О. РУЗИЕВ

70-Термиз

сайлов округи

1975 йилда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1996 йили Термиз давлат университетини тамомлаган. Иختисослиги — география фани ўқитувчиси.



Ойбек Рузиев меҳнат фаолиятини 1991 йили Термиз шаҳридаги спорт мажмуасида мутахассис сифатида бошлаган. 1996-2003 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида катта ўқитувчи, "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш маркази" бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2003-2013 йилларда Термиз давлат университети иқтисодиёт ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректори, иқтисодиёт факультети декани, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган. 2013 йилдан ҳозирга вақтга қадар Термиз давлат университетидида маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор вазифасида ишлаб келмоқда.

Ойбек Абдимуминович келажгимиз эгалари бўлган ёшларнинг қомил инсонлар бўлиб етишишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидойи мутахассислардан биридир. У ўзи фаолият кўрсатаётган жамоада янгиликларга интилувчанлиги, доимий равишда ўз устида ишлаши, илмга ташналиги билан ҳурмат-эътибор қозongan. О.Рузиев партиямиз ва бошқа жамоат ташкилотлари, ижтимоий ҳамкорлар билан ўтказиладиган тадбирларни юқори даражада ташкил этади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, тегишли фармон ва қарорлар билан доимий равишда ёшларни таништириб боради, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни улар орасида тарғиб-ташвиқ этиш билан шуғулланади.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатни изчил ривожлантириш ҳамда бундан кейин ҳам давлатнинг яратувчанлиги ролини кучайтириш тарафдори. Ўз навбатида, партия ушбу мақсадларга ажратилаётган маблағларнинг оқилона ва самарали сарфланишини ёқлайди. Шу билан бирга, партия кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали келажак авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида амалга оширилаётган давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни мақсад қилиб олмоқда.

— Партиямизнинг ёшларга доир дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, мен ҳам мамлакатимиз келажак соғлом ва баркамол ёшлар қўлида, деб ҳисоблайман. Шу мақсадда мен депутатликка лойиқ қўрилсам, ёшларга берилаётган таълим ва тарбиянинг уйғунлиги, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ижодий ва интеллектуал қобилиятларини юксалтириш, етук мутахассис бўлиб етишишларига катта эътибор қаратишни мақсад қилганман, — дейди Ойбек Рузиев. — Партиямизнинг бош вазифаси юртимиз таълим тизимининг ёшларнинг қомил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, мамлакатни янгилашнинг таъминлайдиган, инсон омилини намён этадиган, меҳнат бозори талабларига мос мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши аъёнларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Бу борада мен, шунингдек, таълим соҳасида дастурий маҳсулотларнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари микдори ҳамда сифатини ошириш зарур, деб

ҳисоблайман. Қолаверса, мактаб таълимининг сифати ва самардорлигини оширишда, ўқувчиларнинг билимларни яхши ўзлаштиришида улар билан ишлашга қўйиладиган меъёрларни қайта кўриб чиқиш зарур, деб биламан.

Шу билан бирга, бугунги кунда ўзгариб бораётган замон талаблари ҳамда миллий иқтисодиётимизнинг тараққий этаётган янги соҳаларида кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, айрим касб-хунар коллежларидаги мутахассисликларни қайта кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман.

Ушбу масаланинг долзарблигини яхши англаган партиямиз кадрларга бўлган бугунги ва истикболдаги заруратни ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус касб-хунар таълими мутахассислик йўналишларини босқичма-босқич қайта кўриб чиқиш, мутахассислар эҳтиёжга нисбатан кўпроқ тайёрланаётган гуманитар таълим йўналишларини қисқартириб бориш ва шундан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳаси, аграр сектор, ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш тақлифини илгари сурмоқда.

Шунингдек, мен бугунги кунда ёшлар тарбиясида "оммавий маданият" нуқиб остида ҳаётимизга кириб келаятган турли ғайри-ахлоқий "қадрият"лар, тўғри йўлдан оздирувчи, адаштирувчи оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш, янги авлод вакиллари ҳар жиҳатдан ҳушёр ва сезгир бўлишларига эришишга алоҳида аҳамият қаратаман. Зеро, ҳозирги пайтда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олишлари, айнан улар мамлакатнинг буюк келажакини таъминлаши мумкин.

Бугунги таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада чуқурроқ интеграциялашувига интерфаол педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали эришишимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан, ўзгариб бораётган замон талабларидан ва юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан келиб чиққан ҳолда, бугун таълим жараёнини мунтазам янгилаш талаб этилмоқда.

Ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда Ойбек Абдимуминович ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари сифатида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича зарур амалий тадбирларни ўтказиш, аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини бартараф этишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этишни белгиланган. Зеро, қонун давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиб қолаверади. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлиги эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат гоялари устуворлигини таъминлаш ҳам Ойбек Рузиев фаолиятининг асосий жиҳатларини қамраб олади.

Самарқанд вилояти бўйича

Э. ИСАКОВ

52-Булунғур сайлов округи

1960 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1982 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаган. Иختисослиги — муҳандис-қурувчи, геодезчи.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти қошидаги лойиҳа-тажриба устахонасида муҳандис сифатида бошлаган.

1986-1989 йилларда СамДАҚИ геодезия кафедрасида ассистент, 1989-1993 йилларда Москва давлат геодезия, картография ва аэрофотосъёмка университети аспиранти бўлган.

1993-1996 йилларда ЎзФА Самарқанд бўлими катта илмий ходими, 1996-2002 йилларда СамДАҚИ геодезия кафедраси доценти, 2002-2007 йилларда кафедра мудири, 2007-2010 йилларда СамДАҚИ академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор лавозимларида фаолият олиб борган.

2010 йилдан бошлаб СамДАҚИда илмий ишлар бўйича проректор лавозимида ишлаб келмоқда. Эркин Исаковнинг жаҳондаги илгор архитектурини ва ландшафт дизайни тажрибаларининг замонавий йўналишлари, ушбу санъатнинг энг яхши намуналарига оид изланишлари бесамар кетмади, хусусан, ландшафт дизайнерлик тақлифлари вилоятда қурилган қатор бино ва ишхоналарнинг лойиҳасида ўз аксини топди.

Унинг минглаб издошлари, шоғирдлари қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг, умуман, республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларининг архитектура ва ландшафт дизайни сифатини ях-



шилашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Эркин Ҳўжаёрович ташкилотчилик ва киришувчанлик хислатлари боис ўзи фаолият юритаётган жамоада ҳам, ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада ҳам обрў-эътибор қозongan.

Оилали. Беш нафар фарзанднинг отаси.

— Партиямиз Сайловолди дастурида аҳоли турар-жойларининг қиёфасини яхшилашга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги вазифалар устувор аҳамиятга эга йўналишлардан бири сифатида белгиланган, — дейди Эркин Исаков. — Шу боисдан мен ҳам агар депутатликка лойиқ топилсам, маҳаллалар ва қишлоқларни обод қилиш бўйича кенг қўламли ишларни изчил давом эттириш ва ривожлантириш мақсадида "Замонавий маҳалла" меъморчилик-режалаштириш намунавий лойиҳалари ишлаб чиқишига, мавзе, маҳаллалардаги йўллар ва кўчаларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, уларнинг таъмири тизимларини қайта тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал таъмирлашга оид ташкилий-ҳуқуқий меъёрларни тартибга

солишга ҳаракат қиламан. Партия-миз дастурий гояларидан келиб чиқиб, намунавий лойиҳаларда яқна тартибдаги ва кўп қаватли турар-жойлар, биноларнинг олд қисмини ва товларини таъмирлаш, маҳаллалар ҳудудидаги ирригация ҳамда дренаж тизимларини янгилашга оид масалалар акс этиши лозим, деб ҳисоблайман. Аиниқса, кўчалар ва йўлаклар замонавий услубда таъмирланишига, уларнинг ёритиш тармоқлари энергия тежовчи технологияларни қўллаш ҳисобидан яхшиланишига эътибор қаратаман. Бир сўз билан айтганда, электротизимнинг дам олиши, аҳолини эстетик тарбиялаш ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қиладиган инфратузилманинг ташкил этилишига оид дастурлар, қонун ва қонуности ҳужжатларининг ишлаб чиқишига эришиш ниятидаман.

Шу билан бирга, турар-жойларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, узок туманлардаги маҳаллаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни кенгайтириш, қишлоқда экологик вазиятни янада яхшилашни ҳам олдидида турган муҳим вазифа, деб биламан.

Бундан ташқари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси мамлакатимизда йўл қурилиш соҳасидаги ижобий ўзгаришларни юқори баҳолаб, келгусида ҳам тараққиётнинг изчил давом этишига, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ҳамда бунинг учун мукаммал меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилишини қўллаб-қувватлайди. Партия ўзининг ҳудудий ташкилотлари, барча даражадаги депутатлари саъй-ҳаракатларини ушбу йўналишлардаги амалий ишларга сарфлар этади.

Ўз навбатида, қишлоқларимизда ижтимоий инфратузилманинг такомиллашиб бораётгани, ҳаттоки чекка-чекка ҳудудларда ҳам за-

монавий мактаб ва касб-хунар коллежлари, тиббиёт муассасалари, ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарининг барпо этилаётгани ушбу соҳаларда кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Ана шу талабдан келиб чиқиб, депутат сифатида уй-жой коммунал соҳаси, саноатнинг қайта ишлаш тармоқлари, қурилиш индустрияси, аграр мажмуалар, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ мактаблари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб боришга муҳим эътибор қаратаман.

Шунингдек, партиямиз муқобил энергия манбаларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг жалб этиш тарафдори сифатида уй-жой коммунал соҳаси ва кундалик турмушда қўйш энергиясидан ҳамда бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни қўллаб-қувватлайди. Бунда, аиниқса, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларга ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларига — боғча, мактаб, коллеж ва академик лицейларга, қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиника ва туғруқхоналарга муқобил энергия манбаларини ўрнатиш ҳамда бу борадаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш масалалари бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Юқоридагилардан ташқари, Эркин Ҳўжаёрович партиянинг экологик жиҳатдан тоза технологиялар асосида жадал ривожланишни таъминлашга йўналтирилган мунтазам иқтисодий сиёсат олиб боришга оид гоявий мақсадини ёқлайди.

У ўз сайловолди дастурида Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш, ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилишини мониторинг қилишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришни илгари сурган.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Сурхондарё вилояти бўйича

Ё. ХОЛИЯРОВ

73-Шўрчи сайлов округи



1960 йилда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1982 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. Иختисослиги — муҳандис-механик.

Ёрмамат Холияров меҳнат фаолиятини 1982 йили Термиз ремонт механика заводи мотор цехи инженерлигидан бошлаган. 1984-1988 йилларда Тошкент автомобиль-йўллар институтини аспиранти бўлган. 1988-1997 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини кичик илмий ходими, "Машиналар пухталиги ва ремонт" кафедраси ассистенти, доценти, "Умуммуҳандислик ўқув маркази" проректорининг ўринбосари, "Тест ва ахборот" маркази бошлиги лавозимларида ишлаган. 1997-1998 йилларда Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошқарма бошлиғи, раисининг методология ҳамда маълумотлар технологияси бўйича ўринбосари лавозимида меҳнат қилган. 1998-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтини директори лавозимида ишлаган. 2010 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси ("Ўздавтехназорат" инспекцияси) бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг устувор ва

миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Албатта, республикада амалга оширилаётган Озик-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этиш имконини берибди. Эндиги вазифа эса истеъмол қилинадиган овқатнинг таркиби ва рационини янада яхшилаш.

Ёрмамат Холияров яқин истиқболда янада янги муваффақиятларга эришиш учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги, ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ишларни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш зарур, деб ҳисоблайди. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва, албатта, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридидаги талабни ошириш, уларни сақлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айни пайтда соҳада юқори технологияларга асосланган янги ва замонавий корхоналарни барпо этиш, фаолият қўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида пухта ўйланган режалар ишлаб чиқиш давр талабидир.

Бугун инновация ва инновацион технологиялар ибораси глобал миқёсда кўп ишлатилмоқда. Зеро, айнан инновацияларга маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, таннархни, энергия истеъмолини камайтириш, инвестициялар оқимини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратиш имкониятини вужудга келтирилади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда жаҳон бозорига чиқариладиган маҳсулотлар ва технологияларнинг сифати ва рақобатбардошлигини

ни таъминлашда айнан инновациялар муҳим аҳамият касб этапти.

"Адолат" СДП келажак — инновацион технологияларни эгаллаган, уни амалиётга татбиқ эта олган давлатни, деб ҳисоблайди. Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар инсонга ва ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазифасини қўяди. Буларнинг барчаси фуқароларга янги иш ўринларини топиш, янги касб-хунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беради.

Шу сабабдан номзодимиз юртимиз замида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йилнинг барча фаслларида аҳоли дастурхонига етиб бориши, қолаверса, четга экспорт қилиниши учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва етказиб берадиган тузилмаларни, айниқса, бу борада махсус иқтисодий зоналарнинг ролини янада кучайтиришни фаол қўлаб-қувватлайди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП номзоди Ё.Холияров ўз фаолияти мобайнида халқ дарди билан яшаши, жойларда мавжуд муаммоларни англаб, уларнинг ечимини топишда ташаббус кўрсатиши, аҳоли манфаатларини рўёбга чиқаришда у билан ҳамнафас бўлиши билан ажралиб туради. Номзодимиз ҳаммаша инсон манфаатларини олий қадрият сифатида баҳолайди ва уни рўёбга чиқариш учун жамиятда қонун устуворлиги тамойили кафолатини ёқлайди.

Бир сўз билан айтганда, Ёрмамат Бердиқулович Холияровнинг сайловолди дастуридаги ғоялар жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар манфаатларига мос келадиган инсонпарварлик, адолатлик ва ижтимоий тенглик тамойилларига асосланиши билан жозибадордир. Зеро, номзодимиз дастурининг асосида аниқ мақсадлар, инсонларнинг қизиқишлари, муаммолари билан яшаш ва уларни ҳал қилиш ғоялари мужассам.

Қашқадарё вилояти бўйича

Ж. ПИРМАТОВ

115-Нишон
сайлов округи

1977 йилда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2001 йилда Қарши давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи.



Жамшид Пирматов меҳнат фаолиятини 1995 йилда "Санот-қурилишбанк"нинг Қашқадарё вилояти бўлими бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бухгалтер-иқтисодчилигидан бошлаган.

1997-2005 йилларда Давлат акциядорлик "Ўзўйжойжамғарма-банк" Қашқадарё вилояти бўлимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бўш бухгалтер ўринбосари вазифасини бажарувчиси, бошқарувчи ўринбосари, кичик бизнес бўлими бошлиги лавозимларида фаолият юритган. 2008 йилдан ҳозирги вақтга қадар "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки Қашқадарё вилояти филиалида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бўш бухгалтер ўринбосари вазифасини бажарувчиси, бошқарувчи ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.

Маълумки, "Адолат" СДП бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши тарафдори ва қайд этадики, иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши лозим. Шу мақсадда партия ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўлаб-қувватланиши тарафдоридир. Жамшид Пирматов партиянинг бу борада белгилаб олган ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилишини, аҳоли учун, биринчи навбатда, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш каби муҳим вазифаларини ёқлайди.

"Адолат" СДП Ўзбекистоннинг келажиги — инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар инсонга ва ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазифасини қўяди. Буларнинг барчаси фуқароларга янги иш ўринларини топиш, янги касб-хунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беради.

Жамшид Пирматов сайловда халқ ишонига эришишни ўзи учун юқас масъулият, деб билади. — "Адолат" социал-демократик партияси мамлакатимизда уй-жой соҳасининг самарали ривожланишини қўлаб-қувватлайди, — дейди номзодимиз. — Шундан келиб чиқиб, ўз сайловолди дастурида соҳага доир қонунларнинг ижросини назорат қилишга ўз ҳиссамни қўйишни устувор вазифалар сифатида белгиларим.

Шунингдек, депутатликка лойиқ қўрилсам, қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, йўл инфратузилмасини, айниқса, маҳалалар ичидаги кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мавжудларини модернизациялаш ва янги ижтимоий объектлар қуриш бўйича ишларни давом эттириш, қишлоқ қиёфасини бутунлай янгилаш ва қайта қуриш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, қишлоқ жойларда коммуникацияни ривожлантириш, қишлоқ аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича ишларни давом эттиришга доир ташаббусларни илгари сурмоқчиман.

Партиямиз электоратининг манфаатлари, хоҳиш-истакларидан кел-

либ чиқиб, мен ҳам бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши тарафдориман. Зеро, партиямиз иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари турмуш сифати ҳамда даражасини оширишга хизмат қилиши лозимлигини белгилаб олган. Бу миллий иқтисодиётимизни янада тараққий топтириш бўйича стратегик мақсадларга мосдир. Депутатликка лойиқ топилсам, мен ҳам ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳаларни қўлаб-қувватлаш бўйича ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ўз ҳиссамни қўйиш ниятидаман.

Биз ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилишини ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар жараёнининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш каби муҳим вазифаларни илгари сурамиз.

Шунингдек, бизнинг партия иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш тарафдори сифатида бу борадаги сайёҳаракатларини янада кучайтириш мақсад қилган. Шу сабабдан мен ҳам партиямизнинг ўтган даврда тўплаган тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантирувчи механизмлар яратишга ҳисса қўйиш, аҳоли ўртасида энергия ресурсларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тушунириш ва тарғибот ишлари олиб боришда фаоллик кўрсатишни мақсад қилганман.

Шу билан бирга, уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда кўёш энергиясидан ҳамда қайта тикланувчи бошқа энергия манбаларидан кенг фойдаланиш масалалари доимий диққат-эътиборимда бўлади. Шу мақсадда муқобил энергия манбалари, хусусан, кўёш энергиясидан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёrlарни тасдиқлаш, муқобил энергетикани жорий этиш ҳамда рағбатлантириш юзасидан махсус дастур қабул қилинишида ташаббус кўрсатмоқчиман.

Жамшид Пирматов демократик давлатнинг катта аҳамиятга молик институтларидан бири бўлган жамоатчилик назорати жамият билан давлатнинг самарали мулоқотини таъминлайдиган, фуқароларнинг қизиқишларини, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга муносабатини аниқлаб берадиган муҳим бўғинга айланишини ёқламоқда. Айни пайтда номзодимиз ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳоли турли қатламларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг давлат тузилмалари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини изчил риважда такомиллаштириб бориш тарафдори.

Хоразм вилояти бўйича

И. АБДУЛЛАЕВ

106-Боғот сайлов округи



1966 йилда Хоразм вилояти Урганч шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1991 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Иختисослиги — биология-химия ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Урганч давлат университети қошидаги "Экологик марказ"да бошлаган. Бу ерда кичик илмий ходим вазифасида фаолият кўрсатган. Ўз устида тинимсиз ишлаш, изланиш ва янгиликлар яратишга бўлган кучли иштиёқ Икрам Искандаровичнинг ҳаётида янги саҳифаларни очди. У Урганч давлат университетининг "Умумий биология" кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга ўтди.

Изланишлар асосида тўплаган бой назарий билим моҳир педагогнинг дарсларини янада жонли ва қизиқарли ўтказишга ёрдам берди. Соҳада эришган ютуқлари институт раҳбарияти эътиборини тортиб, 2003 йилга келиб у илмий ишлар бўйича факультет декани ўринбосари этиб тайинланди. 2006 йилда ўқув ишлари бўйича декан мувини, 2008-2012 йилларда факультет декани бўлиб ишлади. Сўнгра мазкур илм даргоҳининг илмий ишлар бўйича проректор лавозимида фаолият юритди. 2014 йилдан бунён И.Абдуллаев Урганч давлат университетини ректори вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Номзодимиз нуфузли ўқув юртининг обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўйяпти, университетнинг ишчан ва аҳил жамоаси билан белгиланган йўналишлар бўйича ёш мутахассисларни тайёрлашга муҳим эътибор қаратиб келмоқда.

ятнинг Янгиариқ туманини 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда муносиб иштирок этди.

Оилали. 2 нафар фарзанди бор. Партиямиз номзоди ҳам олим, ҳам раҳбар, ҳам устоз сифатида самарали фаолият олиб бориш билан биргаликда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг фаол аъзоларидан бирига айланган. У ўз қарашларида мос келган сиёсий кучнинг ҳалқчил ғоя ва мақсадларини кенг омма орасида тарғиб қилиб, турли ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда жонқуярлик кўрсатмоқда. Зеро, "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида алоҳида белгилаб қўйилганидек, партия мамлакатимиз келажакгини соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоеён этадиган, меҳнат бозори талабларига мос мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши аъёналарини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари бугунги кунда партиянинг бош мақсадига айланган. Бу эзгу мақсадлар билан амалга оширишда табиийки, таълимнинг ўрни бекиёс. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатида ва бепул умумий таълим олиш, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтда ўз ишини ташкил этиш имкониятига эга бўлиш учун партия зарур чораларни белгилamoқда.

Партиянинг Сайловолди дастурида олий ўқув юрларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, уларнинг базасида тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш бораси-



MIKROKREDITBANK

“On-line” — plastik kartochkalari
zamonaviy, tezkor va qulay!



UZ card

tel.: 273-05-70, 273-05-80

www.mikrocreditbank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

“Buxoro Global Realtor” МЧЖ

Бухоро вилоят филиали барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти Жондор тумани ҳокимининг 2014 йил 20 ноябрдаги №905, №906-сонли, 2014 йил 13 декабрдаги №974-сонли, 15 декабрдаги №981 ва №982-сонли ҳамда 25 декабрдаги №1024-сонли қарорларига асосан юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такрорий танлов савдоларига қўйилмоқда:

1. Бухоро вилояти Жондор тумани Кароли ҚФЙ Бўрибоғи аҳоли пункти ҳудудидан «Минифутбол майдончаси» қуриш учун ажратилган 1500,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 620 010 сўм.

2. Бухоро вилояти Жондор тумани Лоло ҚФЙ Лоло аҳоли пункти ҳудудидан «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси» қуриш учун ажратилган 320,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 132 268,80 сўм.

3. Бухоро вилояти Жондор тумани Мустақиллик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан «Оҳак ишлаб чиқариш цехи биноси» қуриш учун ажратилган 10 000,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 4 133 400 сўм.

4. Бухоро вилояти Жондор тумани Мустақиллик ҚФЙ ҳудудидан ўтувчи 4P48 автомобиль йўлининг 370-400 км.нинг чап томони, 370-900 км.нинг ўнг томони ҳамда

372-050 км.нинг ўнг томонидан «Автобекат ва савдо дўкони биноси» қуриш учун ажратилган ҳар бири 40,0 кв.метрдан иборат 3 (уч)та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 16 533,60 сўмдан.

5. Бухоро вилояти Жондор тумани Лоло ҚФЙ Луқмон аҳоли пункти ҳудудидан «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси» қуриш учун ажратилган 200,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 82 668 сўм.

6. Бухоро вилояти Жондор тумани Мустақиллик ҚФЙ Почтойи аҳоли пункти ҳудудидан

6.1. «Тўй маросимларини ўтказиш мажмуаси» қуриш учун ажратилган 2500,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 1 033 350 сўм;

6.2. «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси» қуриш учун ажратилган 240,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 99 201,60 сўм;

6.3. «Тикувчилик цехи биноси» қуриш учун ажратилган 250,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 103 335 сўм;

6.4. «Ақфа цехи биноси» қуриш учун ажратилган 210,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 86 801,40 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жондор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 09:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) қабул қилинади ва 2015 йил 05 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорларнинг конвертлари Жондор туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 06 февраль куни соат 11:00 да очилади, 2015 йил 06 февраль куни соат 14:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор голиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 06 февралдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2015 йил 13,20,27 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш бир

кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 13,20,27 февраль кунлари соат 11:00 да очилади ва соат 14:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ДТ “Халқ банк” Бухоро филиали, х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СИТР 302668377. х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатида нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 10-уй.

тел: (+99893) 960-69-00,
факс (+99865 221 54 43)
www.bgr-gl.uz. Лицензия RL 0171.

«Андижон ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси жамоаси

барча юрдашларимизни
Янги йил байрами билан
қизгин муборакбод этади!

Янги — 2015 йилда меҳнатсевар
халқимизга сикҳат-саломатлик,
онлавий тинчлик, эзгу ва
хайрли ишларида улкан
муваффақиятлар тилайди.

“O`zmetkombinat” АЖ жамоаси

юрдашларимизни
Янги йил байрами билан
чин дилдан қутлабди.
2015 йил — «Кексаларни эъзозлаш йили»да олакимизга қўйган эзгу
мақсадаларимиз тўла
рўёбга чиқиши ва халқимиз
фаровонлиги янги
ошишига тиласқошимиз!

Янги йил Сизга ва онла аъзоларингизга
муштақам соғаниқ, онлавий бахт ҳамда
хонадонингизга қут-барака ва
файз олиб келсин!



Xizmatlar litsenziyalangan

«БУХОРОПАХТАСАНОАТ» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

барча юрtdошларимизни
Янги йил айёми билан самимий қутлайди!
Хонадонингиздан файзу барака,
гулгун чехрангиздан кулги ва табассум
ҳеч қачон аримасин. Юртимиздаги гўзал ҳаёт,
тинчлик-осойишталикка кўз тегмасин!

Xizmatlar litsenziyalangan

Reklama

Хизматлар лицензияланган

Самарқанд шаҳридаги «Меъморқурилишлойиҳа» МЧЖ жамоаси

ҳамюртларимизни 2015 — ЯНГИ ЙИЛ
байрами билан қутлайди!

Юртимиз истикболи йўлида
амалга ошираётган ишларингизда
Сизларга улкан муваффақиятлар тилайди.

Юртимиз бундан-да
обод, элимиз ҳамиша фаровон бўлсин!

Xizmatlar litsenziyalangan

Reklama

«Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси жамоаси

бунёдкор халқимизни,
қалби юртни яшнатиш,
яратиш ишқи билан ёнган
фидойи юрtdошларимизни,
уста богбону соҳибкорларни,
фермерларни
2015 — Янги йил байрами билан
самимий муборакбод этади!

Ватанимиз тараққиёти,
элимиз фаровонлиги йўлидаги шарафли
ишларингизда Сизларга доимо омад тилайди.
Инсон қадр-қиммати улуғланаётган
юртимизда «Кексаларни эъзозлаш йили»
янги саҳифаларни очали,
деб ишонч билдиради.
Янги йилда барчангизга мустаҳкам
соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин!

Xizmatlar litsenziyalangan

Qishloq Qurilish Bank



Фаровон ҳаётингиз
хизматида!



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Ўзбекистон халқини
Янги йил байрами билан
чин қалбдан табриклайди.

2015 йил - «Кексаларни эъзозлаш йили»да
барча юрtdошларимизга бахт-саодат, узок умр,
сиҳат-саломатлик, дастурхонларига қут-барака,
юрт ободлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларида
улкан ютуқлар тилайди.

Янги йилингиз муборак бўлсин!

Xizmatlar litsenziyalangan

Андижон вилояти банк ходимлари жамоаси

барча юртдошларимизни
Янги йил байрами билан чин дилдан
самимий муборакбод этади.

Бунёдкор халқимизга 2015 йил —
«Кексаларни эъзозлаш йили»да
юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган
эзгу ишларида улкан
муваффақиятлар тилайди.



Xizmatlar litsenziyalangan

Reklama



«Ўзтрансгаз» АК «Шимолгазтаъминот» УК жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини
Янги йил байрами билан
муборакбод этади.

Янги — 2015 йилда
Ватанимиз тараққий этиб,
равнақ топаверсин.
Юртимиз тинч,
осмонимиз ҳамisha
мусаффо бўлсин.



Xizmatlar litsenziyalangan

«Когон-ёғ» АЖ жамоаси

ҳамюртларимизни
Янги йил байрами билан
чин дилдан табриклайди!

Жаннатмонанд юртимизга
асло кўз тегмасин!
Байрам барчангизга муборак бўлсин!



Xizmatlar litsenziyalangan

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Исроил ҲАМРОЕВ

Тахрир ҳайъати:

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Зухра БОТИРОВА

Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖЎРАЕВ
Муҳаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МЎМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими
— 288-46-54 (149); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар
бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23;
288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).
Реклама бўлими — 233-41-89

Навбатчи муҳаррир — Илҳос Сахатов
Навбатчи — Гуломжон Хидиров

«Адолат»дан кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Миллий ва ахборот
агентлиги томонидан 2018 йилдан бери
2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп
этилади. Корхона манзили: Тошкент
шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қўроз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма
табоқ, офсет усулида босилган.
Буюртма Т — 100. Ааааа — 13717
Босишга топшириш вақти — 21.30
Босишга топширилади — 23.15
Баҳоси келишилган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2015-5237



1 2 3 4 5 6



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши